# “@mibuzbot” каналидан фойдаланиш тартиби.

Азиз тумандошлар уйингизда бўла туриб, фойдаланилган коммунал хизматлар ва қаттиқ маиший чиқиндилар учун тўловларни амалга оширишда  яна бир қулайлик яратилди.

Сиз, бунинг учун “Telegram” тармоғи орқали электрон почта белгиси “@mibuzbot” каналидан



Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Коммунал хизматларидан қарздорликни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилди!
ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР
Коммунал хизматларидан қарздорликни аниқлаш, ҳисобини юритиш, тўловларни амалга ошириш
01
Абонент Бюронинг расмий www.mib.uz сайтига киради ва интерактив хизматлар бўлимидан “Коммунал хизматларидан қарздорликни аниқлаш, ҳисобини юритиш, тўловларни амалга ошириш ” ни танлайди.
02
Коммунал хизмат турини танлаб, вилоят ва туман танлайди. Коммунал хизмати бўйича истеъмолчи ҳисоб рақамини киритади.
КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИДАН ҚАРЗДОРЛИКНИ АНИҚЛАШ, ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ, ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
03
Абонент ҳисоб ҳолати ҳақида маълумот олиб, “Охирги кўрсаткични юбориш” ва “Тўлов амалга ошириш” хизматларидан фойдаланиши мумкин.
04
Охирги кўрсаткични юбориш учун - абонент маҳаллани танлаб, хисоблагични суратга олиб жўнатади. Давлат инспектори томонидан ҳисоблагич кўрсаткичи тасдиқланганидан сўнг, абонент бириктирган телефон рақамига жавоб юборилади.
05
Тасдиқлаш коди 97*** **22 рақамига юборилди!
Тўловингиз мувофаққиятли қабул қилинди!
Тўлов амалга ошириш бўлимида, карта рақами, картанинг амал қилиш муддати, телефон рақам ва тўлов суммасини киритиб, тасдиқлаш тугмасини босади. Тасдиқлаш кодини киритгандан сўнг тўлов чекини олиш мумкин.
Бу жуда қулай, тезкор ва шаффоф тарзда тўлов қилиш имкониятини беради !

Сиз, аввало ушбу  бот каналига кириб, “Старт” тугмасини босиб, кейин мобиль телефон рақамингизни улайсиз.

Кейин коммунал хизмат тури, вилоят, туман, шаҳарни танлайсиз ҳамда коммунал хизмат тури бўйича шахсий ҳисоб-рақамингизни  киритасиз.

Ушбу маълумотлар киритилгандан сўнг , бот абонентнинг  ҳисоб-китоб маълумотларини кўрсатади. Шундан сўнг ҳисоблагич фотосуратини юбориш, тўловларни кузатиб бориш ва қарздорликни тўлаш имконига эга бўласиз.

Оддийгина айтганда, карантинли вазият  сабаб, Сиз масофадан туриб, ҳисоблагич суратини юборасиз ва кўрсатгич “МИБ инспектор” андроид электрон тизимига келиб, абонент ҳисобига киритиб борилади.

Тўлов тугмаси орқали электрон тўлов тизимлари билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга ошириб борасиз!






Тўловни амалга оширишда истеъмолчининг пластик карточка рақами, унинг муддати, унга

боғланган телефон рақами ва тўлов суммаси киритилгандан сўнг СМС орқали келган ҳимоя кодини тасдиқлаш  кифоя.  Шу заҳоти Сизга тўлов амалга оширилганлиги маълум қилинади.

Ҳа айтганча, бундай қулайликлар Мажбурий ижро бюросининг  расмий www.mib.uz сайтида ҳам яратилган.

Унутманг, амалга оширган тўловларингиз эса Сизнинг энергия ресурсларидан тўлақонли фойдаланишингиз ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси учун хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Бош прокуратураси ҳузуридаги**

**Мажбурий ижро бюроси**

**Фарғона вилояти Бешариқ туман бўлими**

2020-04-07 14:22:28